280495

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 20 апрель, пайшанба №48 (21.811.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ДАВЛАТ ВА ИЖТИМОИЙ ҚУРИЛИШ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар раҳбар кадрлар бугини ва жамоатчилик вакилларининг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилиш истиқболларини асослашга доир илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштириш зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва ижтимоий қурилиш академияси ташкил этилсин.

2. Академия фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари қуйидагича белгилансин:

— давлат, жамоат ва хўжалик тузилмалари ходимлари ҳамда раҳбарлари орасидан истеъдодли, ақл-заковатли тингловчиларни пухта танлаб олиш, уларнинг сиёсий, маънавий-ахлоқий ва профессионал савиясини ошириш, уларни республикада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосига қурилган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этишнинг эътиқодли тарафдорлари қилиб тарбиялаш;

— олий маълумотли ва олий ўқув юртини битирганидан сўнг камида икки йил ишлаган мутахассислар орасидан ҳар томонлама зукко, маънавий ва профессионал жиҳатдан етук бўлган ёшларни истиқболли ёш менежер ҳамда бошқарувчилар қилиб тарбиялаш учун қабул қилиш;

— раҳбар ходимлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказишнинг янги тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда иштирок этиш;

— профессионал раҳбар тайёрлашнинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда раҳбарларни тайёрлаш ҳамда ижтимоий ва давлат қурилишининг барча бўғинлари учун раҳбарлар захираси умумдавлат банкини шакллантириш;

— тегишли мутахассисликлар бўйича докторантура ва аспирантура орқали юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

— давлат ва ижтимоий қурилишни, иқтисодий тараққиётни, психология ва социологияни такомиллаштириш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек кадрлар сиёсатини такомиллаштириш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш;

— ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари фаолияти бўйича концепциялар, дастурлар, лойиҳалар, тавсияномалар ва бошқа ҳужжатларни илмий экспертиза қилиш;

— раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорлик.

3. Академияга ўқув-тадқиқот жараёнини ташкил этиш учун қўшимча ишлаш ёки яккама-якка битим тузиш шартлари билан республика ва хорижий давлатлардаги йирик илмий марказларнинг таниқли олимларини жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

4. Академиянинг моддий, техникавий ва ижтимоий базасини ривожлантириш, унинг фаолиятига республиканинг ва хорижий мамлакатларнинг етакчи олимлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин. Жамғармадаромадлари турли манбалар, жумладан, хориждаги жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, шунингдек хўжалик фаолияти ҳисобидан таркиб топади.

Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар, хўжалик ҳисобидаги корхоналар, тадбиркорлик тузилмалари Ўзбекистонни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада юксалтириш учун зарур бўлган янги туслаги ходимларни тайёрлаш жараёнида муҳим ўрин тутиш лозим бўлган академиянинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак.

Академия ҳамда у барпо этадиган муассаса ва корхоналар дастлабки беш йил давомида ҳар қандай солиқдан озод қилинсин.

5. Академия Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларининг материаллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини, меъёрий ва йўриқнома ҳужжатларини, шунингдек вазирлик ва идораларнинг статистика тупламларини олиши шарт бўлган муассасалар рўйхатига киритилсин.

6. Академияга ўзбек ва рус тилларида йилига тўрт марта чиқадиган ва ҳажми 6-7 босма тобоқдан иборат бўлган «Жамият ва бошқарув» сиёсий-иқтисодий журналини, шунингдек даврий ва алоҳида мавзуларга оид нашрларни чиқаришга рухсат этилсин.

7. Республика бюджетидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаб туриш учун алоҳида модда билан ажратиладиган маблағ, шунингдек илмий тадқиқотларни ўтказиш учун бюджетдан ажратиладиган маблағ академияни молиявий жиҳатдан таъминлаш манбаи деб белгилансин.

8. Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясини барпо этишга доир ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида комиссия ташкил этилсин.

Комиссияга бир ҳафта ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижросини таъминлашга доир қарори лойиҳасини тақдим этиш топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

М. Ш. ШАРИФХЎЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ИЖТИМОИЙ ҚУРИЛИШ АКАДЕМИЯСИНИНГ РЕКТОРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мурот Шарифхўжаевич Шарифхўжаев Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясининг ректори этиб тайинлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси вазифаларидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 19 апрель.

Галабанинг 50 йиллигига

ХОТИРА МАНГУ ЯШАЙДИ

ҚАШҚАДАРЁ

Вилоятга ташриф буюрган ЎзХДП Марказий Кенгаши, республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг бир гуруҳ тарғиботчилари фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган учрашувларга кўтаринки руҳ бағишладилар. Гуруҳга Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, уруш ва меҳнат фахрийси Матёқуб Қўшжонов бошчилик қилди.

— Ушбу учрашувларнинг асосий моҳияти ҳозирги осойишта, тинч замоннинг нечоғлик қадрли эканлиги, уруш оқибатлари айни даврда мамлакат Президентининг олиб бораётган сиёсатини тушунтиришга, уни қўллаб-қувватлашга қаратилгандир, — дейди гуруҳ аъзоси, Ўз ХДП Марказий Кенгашининг масъул ходими У. Умаров.

Қарши, Косон, Нишон, Деҳқонобод туманларида, шунингдек, Қарши шаҳрида тарғибот гуруҳи билан жамоалар ўртасида самимий суҳбатлар бўлиб ўтди. Айниқса, Ҳамид Олимжон номидаги Қарши Давлат университетида уюштирилган учрашув мароқли ўтди. Тўпланганларга М. Қўшжонов уруш йилларида кўрган-кечирганлари ҳақида сўзлаб берди.

Шунингдек, вилоятнинг Ғузор, Усмон Юсупов туманларида ҳам шу мазмунда мароқли йиғинлар, тадбирлар ўтказилди.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОРАЗМ

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши, вилоят фахрийлар ташкилоти уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси томонидан ташкил этилган тарғибот гуруҳи қатнашчилари бир ой бўлдики, вилоятнинг шаҳар ҳамда туманларидаги корхона ва ташкилотларда, ўқув даргоҳларида бўлиб, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ўтказяптилар.

Гурлан туманидаги 35-махсус билим юртида бўлган учрашувда фахрийлардан М. Абдуллаев, Э. Искандаров, шоир ва таржимон М. Абдулҳакимовлар 1941 — 1945 йиллар ўзбек фарзандларининг жанггоҳларда кўрсатган қаҳрамонликлари, халқимизнинг фронт орқасидаги фидокорона меҳнати тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар.

Бундай учрашувлар Шовот туманидаги 16-махсус билим юрти, «Хива» жамоа хўжалигида ҳамда Янгиариқ, Қўшкўпир, Хонқа туманлари хўжалик ва корхоналарида ҳам ўтказилди.

Афғон урушида ҳалок бўлган янгиариқлик жасур аскар Х. Хўжаев ёдга олиниб, унинг қабри зиёрат қилинди. Жангчи оиласига ёрдам кўрсатилди. Урганч туманидаги Усмон Юсупов номли ўрта мактабда эса Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан «Ғалаба боғи» барпо этилди.

Шунингдек, тарғибот гуруҳи аъзолари улуғ сана олдидан вилоят телевидениеси ва радиоси орқали чиқишлар уюштирмоқда. Уруш қатнашчилари тўғрисида телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрламоқдалар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАРҒОНА

Қува туман марказий кутубхонасида китобхонлар, уруш ва меҳнат фахрийларининг пойтахтдан келган тарғибот гуруҳи вакиллари билан учрашуви давом этарди. Ўзбекистон фалсафа ва ҳуқуқшунослик институти илмий ходими, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Эгамберди Ҳакимовнинг уруш хотираларини, Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар ҳаяжон билан тинглаётганди. Маъруза охирлагач, кутубхона ўқув залида ўтирган кексалардан бири ўрнидан турди.

— Сиз, Эгамберди Ҳакимов, Берлин шаҳрини олишда жангларда қатнашганмисиз?

— Қатнашганман.

— Унда сиз мени эслашингиз керак. Биз иккаламиз бир ротада, Рейхстагни штурм қилишда қатнашганмиз.

Профессор сўзлаётган одамга анча муддат тикилиб қолди. Сўнг бирдан юзлари ёришди.

— Сиз Ҳусанбой Умаров бўлсангиз керак?

— Худди ўша!

Икки фахрий бир-бирлари билан қучоқлашиб омонлашишди. Бу манзарани кўрганларнинг кўзига беихтиёр ёш келди. Чунки бундан ярим аср муқаддам бирга жанг қилган одамлар эндиликда учрашиб туришганди. Икки фахрийнинг 50 йилдан кейинги учрашуви туман аҳли учун ҳам катта воқеа бўлди.

Тарғибот гуруҳи водий бўйлаб сафарини Чотқол тоғларига чиқаверишдаги довон этагида, Данғара туманида якунлади. Унгача гуруҳ аъзолари Қувасой шаҳридаги Қува техника билим юрти, мактаб ўқувчилари билан учрашишди. Қувасой чинни заводида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар. Ишчилар ҳузурида ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШКЕНТ

Ўтган шанба куни уруш кўрган, ўша даврларда фронт орқасида меҳнат қилган, шу мавзуда қалам тебратиб жанг майдонидаги жангчи мисол Ғалабани яқинлаштирган ижодкор-адиблар устоз Ғафур Ғулом уй-музейида жамулжам бўлдилар. Минг афсуски, жангчи-ижодкорлар сафи ҳам сийраклашган. Бироқ бу савобли тадбир эгалари — Ўзбекистон Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси ҳамда уй-музей ходимлари — мезбонлар вафот этганлар оила аъзоларининг кўнглини тоғ қилиб уларни ҳам бу ерга таклиф этишган.

Тошкентнинг Арпапоя маҳалласи деганда нафақат республикамиз ижодкорларининг, балки қардош ўлкаларда яшовчиларнинг ҳам кўз ўнгида катта ижод соҳиби, академик шоир Ғафур Ғулом гавдаланади. Шоира Ойдин Ҳожиева таъбири билан айтганда, дийдорлашувнинг мазкур уй-музейда, унинг бекалари билан ҳамкорликда ўтказилишининг яна бир сабаби таваллуди олдидан аллома руҳини шод этиб, унинг уруш даври ижодини яна бир бор эслаш бўлди. Зеро, чиройли безатилган дастурхон атрофида қилинган дуои фотиҳа — Қуръон тиловати дилларга таскин берди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом устози Ғафур Ғуломнинг «Соғиниш» шеърини ўқиганда кимдир урушдан қайтмаган яқинларини, кимдир меҳрибон падари бузрукворини, кимдир ўша даврларда қийинчилик, очарчиликда ҳаётдан бевақт кўз юмган эгачи-сингилларини қўмсаб, соғиниб кўзига ёш олди. Яраси янгиланди, дилини армон ўртади. На илож, бу кунга етиб келмаганлар, шаҳид кетганлар жойлари жаннатда бўлсин, дея яратгандан сўраймиз...

Мазкур дийдорлашувда қатнашган жангчи-адиблар уруш даври хотираларини ёдга олдилар. Ўзбекистон Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси раисаси Ойдин Ҳожиева меҳмонларга жамғарма совғаларини топширди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

С. Р. ИНОҒОМОВНИ ЎЗБЕКИСТОНИНГ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САУДИЯ АРАБИСТОНИ ПОДШОҲЛИГИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Солиҳ Раҳимжонович Иноғомов Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони подшоҳлигидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1995 ЙИЛ 6 МАЙ ШАНБА КУНИНИ 8 МАЙ ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларнинг дам олишлари учун қулай шароит яратиш ва иш вақтидан унумли фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1995 йил 6 май шанба дам олиш куни душанба — 8 майга кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 апрель.

Вазирлар Маҳкамасида

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ УСТИДАН ҚАТТИҚ НАЗОРАТ ЗАРУР

Вазирлар Маҳкамасида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, республика ва вилоят прокуратураларининг ходимлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда нефть маҳсулотларини асрашни таъминлаш ва «Ўздавлатнефтмаҳсулот» давлат-акционерлик бирлашмаси корхоналарида бу маҳсулотларни етказиб беришда давлат интизомига риоя этишга қаратилган қонунларнинг ижроси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Республика прокуратураси ўтказган текширишлар натижасида аниқланган салбий ҳодисаларга қатъий баҳо берилди. Қурилаётган чораларга қарамай, «Ўздавлатнефтмаҳсулот» бирлашмаси тизимида нефть маҳсулотларининг сифатини бузиш, уларни сақлаш ва сотиш чоғида ўғирлаш ҳамда суиистеъмол қилиш ҳоллари тугатилмаганлиги таъкидланди. Бундай қонунбузарликлар Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах вилоятларидаги нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхоналари ва бир қанча нефть базаларида қайд этилган. Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхоналарининг бир қанча нефть омборларида ёнғинга қарши кураш воситалари ва асбоб-ускуналарнинг техникавий ҳолати, нефть омбори хўжалигининг аҳволи қониқарсизлигича қолмоқда. Текширувчилар томонидан аниқланган ва кўпгина корхоналарга хос бўлган нуқсонлардан бир неча мисол. Қорақалпоғистон нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасида шу йилнинг биринчи чорагидагина 2000 тоннадай ортиқ ёнилғининг сифати бузилган. Бу ерда нефть омбор хўжалигининг техникавий ҳолати қониқарсизлиги қайд этилган, автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларида нефть маҳсулотлари кам чиққан. Бундай станцияларнинг кўпи, хусусан, Хўжайли ва Чимбой нефть базаларига қарашли ёнилғи қуйиш станциялари зарур ўлчов асбоблари ва ускуналари билан таъминланмаган.

Жиззах вилоят нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси бўлинмаларида 160 тонна маҳсулот сифати бузилган. Вилоятдан кўп миқдордаги ёнилғи-мойлаш материаллари қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетилмоқда. Сўнгги пайтда 142 тонна автобензин, 6 тонна дизел ёнилғиси, 17 тоннадан кўпроқ турли мойларни вилоятдан четга олиб чиқиб кетишнинг олди олинди. Ушланган жиноий гуруҳлардан бири вилоятнинг нефть базалари ва автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларидан сотиб олинган 126 тонна нефть маҳсулотларини Тожикистонга олиб кетмоқчи бўлган. Автомобиль ёнилғиси ва анча миқдордаги пулнинг кам чиқиши, бензинни кам қуйиш ва фуқароларнинг ҳақидан уриб қолиш ҳоллари ҳам аниқланган.

Қашқадарё вилоятидаги Қамаши нефть базасида техника ҳолати ва ёнғинга қарши кураш воситалари ҳолати яхши эмаслигидан ташқари ҳам жиддий нуқсонлар, яъни нефть маҳсулотларини кўп миқдорда ўғирлаш ҳоллари аниқланган.

Республиканинг кўпгина вилоятларида бундай суиистеъмол, амалдаги қонун ва қоидаларни бузиш ҳоллари кўплаб қайд этилди. Бу аҳвол давлатга катта моддий зарар етказди. 1994 йилда ва бу йилнинг ўтган даврида суиистеъмол қилиш ва нефть маҳсулотларини ўғирлаш фактлари юзасидан 32 жиноий иш қўзғатилди. Уларнинг кўпи судга оширилди, қолганлари тергов қилинмоқда.

Нефть маҳсулотларини сақлаш, тақсимлаш масалаларида бепарволикка йўл қўйилгани, бу маҳсулотларни фонддан ташқари бериб юборгани ва сифатини бузгани, нефть омборларининг техникавий ҳолатини ва ёнғинга қарши кураш воситаларини талаб даражасида мослаштирмагани, моддий зарар етказгани учун Қорақалпоғистон нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасининг директори Ж. Бойжонов, Жиззах нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси директори Н. Холбоев, Фарғона нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси директорининг ўринбосари Ш. Ёқубов, Термиз нефть базаси директори Н. Ҳимматалиев, Хўжайли нефть базаси директори Д. Алламбергенов, Қамаши нефть базаси директори У. Бозоров вазифасидан бўшатилди. Вилоят нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхоналарининг раҳбарлари ҳамда нефть базалари директорларининг бир қанчаси жиддий огоҳлантирилди.

Комиссия назоратни кучайтириш, ҳамма жойда нефть маҳсулотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш чоғида қонуннинг бузилишига чек қўйиш чораларини белгилади.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Назорат инспекциясининг раҳбари М. Мирқосимов, Бош вазир ўринбосарлари С. Саидқосимов, Ў. Султонов, М. Усмонов, М. Шарифхўжаев, Р. Юнусов, Қ. Ҳаққулов, республика бош прокурори Б. Мустафоев иштирок этдилар.

(ЎзА).



Фермер Омон Ҳамидовнинг Меҳнатобод туманида яхши танишади. «Янгиер» ширкат хўжалигида фермерлик билан шуғулланаётганига икки йил бўлди. Унинг деҳқон хўжалигида ҳозир 50 бошдан зиёд йирик шохли қорамол, 25 та қўйи бор. Омон Ҳамидов қарзларидан қутилиб, трактор харид қилди. «Газ—53» машинасини 10 йилга ижарага олди.

СУРАТЛАРДА: Олтмиш баҳорни нишонлаган Омон ака Ҳамидов, кенжатой ўғли Жамшид ўз меҳнатлари натижаларидан мамнун.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Мухбиримиз бонг уради

ИНСОФСИЗГА ЭРК БЕРСАНГ...

Бозор муносабатларига ўтилаётган шу кунларда янги техника сотиб олишни ихтиёр этиш айрим корхона, ташкилот, жамоа хўжаликлари учун туя ҳаммомни орзу қилганидек бир гап. Ҳамёнида ҳемири йўқ жамоа хўжаликлари шу боис мавжуд техника ва механизмлардан оқилона фойдаланишни фарз деб билишяпти. Айрим жойларда эса...

Қоровулбозор туманининг аксарият хўжаликларида техникани таъмирлаш, асраш мутлақо талабга жавоб бермайди. «Мустақиллик» жамоа хўжалигида техника очиқ ҳавода палапартиш сақланяпти. Шунинг оқибатида улар ишга яроқсиз ҳолга келяпти. Техника парклларида МТЗ—80, Т—28 тракторларига резина етишмайди. «Истиқлол» жамоа хўжалигида эса пахта териш машиналарини таъмирлаш ишларига ҳозиргача қўл урилгани йўқ. Техникаларнинг айрим қисмларини жойидан ҳам топиш мушкул. Ўрни бўм-бўш.

Бундай ачинарли аҳволни Шофиркон туманидаги «Шофиркон», Қ. Муртазоев номли, Ж. Орипов номли жамоа хўжаликларида ҳам учратиш мумкин. Тумандаги хўжаликлараро ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш корхонасида хўжасизлик оқибатида техника талон-торож қилинянти. 1974 йилда корхонага олиб келинган «ГАЗ—53» машинаси, «КС—1562Н» автокўтаргич ускуналари хомталаш қилинган. Хўжалик бош муҳандиси Э. Бобомуродовнинг айби билан мазкур машинанинг сув насоси, ёритгичлари, спидометри, аккумулятори, кабинаси ва бошқалар тарқатиб юборилган.

Қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш — ишлаб чиқариш туман корхонасида эҳтиёт қисмларни умариш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Корхона назоратчи-муҳандиси Нажим Ашуров жиғилдон бандаси бўлиб чиқди. У таъмирлаш учун ишлатиладиган донаси 18 сўм турадиган ёг тақсимлагични фуқаро Б. Тураевга 20 дона конякка алмаштирган. Инсофсизга эрк берсанг, ковушингчача ечиб олади, деганлар. Назоратчилар Н. Ашуровнинг уйини кўздан кечиришганда ҳақиқий эҳтиёт қисмлар омборхонасига тушгандек ҳангу-манг бўлиб қолдилар. Уйидан «УАЗ—469» маркали автомашинанинг 4 дона тормоз барабани ва бошқа шу каби 14 турдан иборат жами — 5 минг сўмликка яқин ҳар хил ишлатилмаган эҳтиёт қисмлар топилди.

«Қишлоқ хўжалиги кимёси» туман бирлашмасида эса «ГАЗ—51» автомашинасини (17—99 БХП давлат рақамли) назоратсизлик оқибатида «ечинтиришган». Унинг орқа ғилдираклари, кузови ва бошқа эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинган.

Ҳужасизлик, инсофсизлик қачонгача давом этади? Ёки вилоятда бундай қингирликларга чек қўядиган мутасадди ташкилот йўқми?

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Андижон вилояти Избоскан тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Усмон Мансуров 1995 йил 19 апрель куни 75 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва унинг қариндош-уруғлари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ХДП ҳаётидан

СИНАЛГАНЛАР ҲИСОБИДАН

Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши фаоллари йигит-қизларни кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб қилмоқдалар. Кейинги икки йил ичида ўнлаб кичик саноат корхоналари ташкил этилганлиги ҳам янги иш жойларини жорий қилишга имкон яратди. Бугунги кунда шаҳардаги 774 та кичик корхонада 6 мингдан кўпроқ киши меҳнат қиляпти.

«Свод», «Давр», «Иссиқ нон» каби кичик корхоналар, кондитер цехлари тайёрлаётган маҳсулотлар сифатлилиги билан харидоргир.

Шаҳар партия кенгашидаги 72 та бошланғич партия ташкилоти ўз сафига 2620 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Ўтган йили 555 нафар синалган, жамоат ишларида фаол кишилар партияга қабул қилинди. Айниқса, политехника коллежи, 19-автосарой, 2528-автожамланмаларда бу борадаги ишлар ибратли йўлга қўйилган.

— Шу йил бошидан буён 43 нафар йигит-қиз ўз ҳаётини партия билан боғлади. Аммо, ҳали кўпгина корхона ва ташкилотларда қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина, — дейди Нукус шаҳар партия кенгаши бўлим мудири Ж. Жумабоев.

Дарҳақиқат, эндиликда ишни ҳар қачонгидан ҳам жонлантириш керак. Чунки жамиятимиздаги кўппартиялилик шароити ва давр талаби шуни тақозо этаётир.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАММАНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Жондор тумани «Авангард» жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби Илҳом Қурбонов ўз маҳалладошлари турмушини беш қўлдай билади.

— Котибимиз идорада ўтиришни хуш кўрмайди, — дейди хўжалик бош ҳисобчиси, ХДП аъзоси Йўлдош Иззатов. — У ҳамиша халқ орасида, эл ташвиши билан банд. Бундай раҳбарларга кўпчилик эргашади.

Хўжаликда ХДП аъзолари 64 нафар бўлса-да, улар ишлаб чиқариш тармоқларининг барчасида фаол қатнашмоқдалар. Қодир Тангриев, Замира Хайруллаева, Озод Ўринов, Иброҳим Тоҳиров, Ҳанифа Тўраева, Гулчеҳра Қурбонова, Жўрабек Шодиев, Нодир Шерозовларнинг ҳар бири ҳақида мароқ билан гапирса арзийди. Уларнинг бири дала меҳнатчиси, иккинчиси бригадир, учинчиси мутахассис, маслаҳатчи мураббий. Хуллас, ҳаммасининг ўз ўрни бор.

— Кенгашган кам бўлмайди дейилгани ҳақ гап, — дейди котиб Илҳом Қурбонов. — Ҳар бир юмушни бажаришда бошқарув ҳамда ХДП аъзолари билан маслаҳатлашамиз.

Бу ерда аҳолини уй-жой, томорқа билан таъминлаш ниҳоясига етказилган. Турли объектларни хусусийлаштириш давом этяпти. Аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш ниҳоясига етай деб қолди. 3 та қишлоқдан иккитаси тўла газлаштирилди. 8,5 километрга ўрта ва паст босимли газ қувурлари тортилди. Бундай қувурлар жами 14 километргача тортилади.

Хўжаликда гилам тўқиш ва консерва цехи мавжуд. Яна янги иш жойлари очиш режалаштирилган. «Нур» кичик корхонаси мева қуритиш цехини очиш тараддудида.

Бултур аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш мақсадида 19,5 тонна ёғ арзон нархда сотилди. Бу ҳар бир ишловчи ҳиссасига 25 килограммданга тўғри келади. 20 киши «Ўзбекистон овози» газетасига хўжалик ҳисобидан бепул обуна қилинди. Шу йилнинг биринчи чорагида ҳар бир кишига 17 килограмм ёғ, 16 килограмм ун, 78 нафар ногирон, кам таъминланган оилаларга гўшт берилди. Меҳнаткашларга бўлган бундай эътибор партия ташкилоти нуфузини оширмоқда.

— Деҳқончилик қиладиган 775 гектар еримиз бор, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, ХДП аъзоси Қурбон Беҳбутов. — Ундан самарали фойдаланамиз. 400 гектарга дон экдик. Шу майдондан 30 центнердан дон олсак, ҳам давлат буюртмасини, ҳам уруғлик, ҳам аҳолини ғалла билан таъминлаш режасини бажарган бўламиз. Маррани эгаллашга кўзимиз етади. 264 гектар ерга чигит экдик. Маълумки, пахта даромад манбаидир.

Хўжаликда ечилишини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Аҳоли яшайдиган қўрғонда қурилган 25 та уйдан 16 таси ҳувиллаб ётибди. Уларга табиий газ олиб келиняпти. Фақат маданий-маиший шароит яхшиланса, аъзоларга уйлар хусусий қилиб берилса, нур устига аъло нур бўларди. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиш, шу йўл билан аҳолининг чўлда ўтроқ ва муқим яшаб қолишига эришиш лозим. Партия ташкилотининг фаолияти шу мақсадга йўналтирилган.

Б. ДАВРОНОВ.

Бизнинг замондош

ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

БИЗНЕС ПРЕСС Танловига

Истиқлол ва ислоҳотлар туфайли юртимизда юзлаб туғма қобилият ва иқтидор соҳиблари чинакам қадр-қимматини топиб, фаолият кўрсата бошлади. Шундайлардан бири Чироқчи тумани «Бешчашма» ширкат жамоа хўжалигида яшаб, ижод қилаётган Уста Абдижалил Мулла Қўлдош ўғли.

Ҳеч қандай машина ёрдамисиз, моҳир қўллари билан терини қайта ишлаб, ундан ўта бежирим, замонавий, ҳатто жаҳон андозалари асосида эркак ва аёл этиклари, от анжомлари тика оладиган уста Абдижалил Президентимизга ҳам атаб чавандоз этиги, юган ва қамчи тайёрламоқда. Бу ниятининг туғилиши ҳам тасодифий эмас. Дарвоқе, ушбу ҳикоямиз ҳам айни шу ҳақда.

Уста Абдижалил тиккан этикни уч йил бурун Ўшдан келган бир табибнинг оёғида кўргандим. «Ўн беш йиллик кафолати бор. Обдон ишланган пишиқ теридан тикилган. Нам ҳам, иссиқ-совуқ ҳам ўтмайди. Модели эса чехларникига ўхшайди. Устанинг номи ва манзили ҳозирча сир. Аммо уста Қашқадарёда», — деганди ўшанда табиб секингина. Орадан анча вақт ўтди. Машҳур Чиялі бозори оралаб чавандоз этикларни томоша қилаётсам, бир харидор «Уста Абдижалил тиккан этикдан борми?» деб қолди.

— Бор-йўғи битта қолган, — деди сотувчи ва хуржундан чиқариб молини кўрсатди.

— Ўҳ, ана этик, мана этик! Ичига ёғоч солингандай типтикка. Хушрўй ва бежиримлиги, қалинлиги ва баланд пошнаси киши ҳавасини қўзғайди.

— Шуни тиккан уста Абдижалил қаерда яшайди?

— Уй шунда, Мирзатўпда. У одам тиккан буюмни бозормабозор олиб юрмайди, харидор ўзи излаб келади, тиккан юганларини кўрсангиз.

Устахона унинг уйи рўпарасида экан. Устахона эшиги устига «Уста Садин хусусий корхонаси» деган ёзувни эндигина ўқувдик, эшик очилиб, бизни устанинг ўзи кутиб олди. У етмишни қоралаб қолганига қарамай калта ва қора соқоли ўзига ярашган. Кенг елкали, полвон гавдали уста узун ва баққувват бармоқлари орасига тушиб қолган қўлларимни анча қисди. Уста биз билан ҳол сўрашиб, корхонасидаги анжом ва жиҳозлар билан таништирди. Тўрда устози уста Садиннинг катта сурати осиғлиқ. берироқда дўмбираси, найи илиғлик.

Уста Абдижалил пойабзал ёки оёқ анжоми тикиш учун деярли бирор ашёни четдан сотиб олмас экан. Мол ёки қўй терисини қишлоқдошлари келтириб беришади. Ийлаш, пишириш, ошлаш, бўяш учун зарур модда ёки бўёқни тоғ ва чўл ўтларидан йиғиб, ўзи тайёрлар экан. Ҳамма жараён қўлда, ҳатто давлат қолипларига ўзгариш киритган, тикиш асбоби — сўзанлар ҳам қўлбола, аммо устанинг этиклари Қаршию Шаҳрисабзда, Термиз ва Деновда, Самарқанд ва Ургутда, қардош Туркманистон ҳам Тожикистонда машҳурлигини эсласак, устанинг маҳоратига қойил қоламиз. Оддий кўз билан илғаб бўлмайдиган нозик ва нафис санъаткор юраги, кўзлари ва қўлларигина, шундай бежирим этик ва ковуш ҳамда шиппакларни ясай олишига ишондик.

— Эсимни таниганимда отамни мулла, деб қулоқ қилишди, қайтиб келиб яшириниб юрди. Раҳматли устозим Уста Садин унга шогирд тушган экан. Ўшанинг эвазига мени шогирд қилиб олди. 13-14 ёшда эдим. Шу бўлди-ю отам вафотидан кейин ҳам уста Садин мени қўлдан қўймади. Нон чучук бўлган оғир кунларда уста билан қишлоқма-қишлоқ юриб кўхандўзлик, ямоқчилик қилардик. Ҳунарли хор бўлмас экан, 16 ёшимда мустақил этик, ковуш тика бошладим. Қаерда бир янги пойабзал кўрсам, шуни ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Қадимийми у, замонавийми у, бу соҳадаги ўзбек устачилигини ҳатто чет элларники билан қиёслаб ўз услубимни яратдим.

Очиғини айтай Шўролар ҳукумати даврида кўрқув ва ҳадик остида яшадим. Аввалига қулоқнинг боласи дейишди, кейинчалик молиядан, милициядан безовта қилишарди. Бир куни ёзиб беришган экан, милициядан келиб дағдаға қилишди:

— Устахонангни кўрсат!

— Менда устахона қаерда? Бори-йўғи бир чамадон, бир сандиқ уйни кўрсатдим.

— Йўқ, — дейишди, — устахонанг бор, чиройли этик тикармишсан. Ўша устахонани кўрсат. — Жон-поним чиқиб кетди.

— Устахонам юрагимда, — дедим кўкрагимга муштлаб, — юрагимни ёриб кўр, устахонамни топасан. Хайрият, мустақил бўлдик. Икки йилча бўлди. Матбуотда тадбиркорликни ривожлантириш ҳақидаги Фармонни ўқиб хурсанд бўлдим, хайрият, худога шукур, бизгаям даврон кепти: қайтадан йигит бўлдим. Биласизми, мен келинлар, ўйинчи санъаткорлар учун қўнғироқчали, зардўзи этиклар ҳам тикишни билардим, аммо сир тутдим. Фармон чиққандан сўнг шогирдларни кўпайтириб, завқ-шавқ билан ишлашга киришдим. Шундан бери Президентимиз хусусий тадбиркорлик ҳақида икки марта Фармон чиқарди. Ўз этикларим билан кўргазмаларда қатнашдим. Тўғриси, этикларим чет элникидан қолишмайди. Ўн йил бемолол кийилса ҳам қолипи кетмайди. Мен этикни юрак меҳри билан тикаман. Сохталик, пулга ўчлик, алдамчиликни ёмон кўраман.

— Уста қўлига бир этик олиб, махсичан оёғи билан пачақлаб ташлади, яна бир тортиб қўйса аввалгидай типпа-тик туради. Ё тавба!

Бугун уста Абдижалил кўз-кўз қилишга муҳтож эмас. Унинг этигини кийиш насиб қилган оёқ қайга етса уста Абдижалилни мақтайди, бир-икки йил эмас, ўн йилгача. Уста бунга ишонади. Чунки у ўзига, ҳунарига ишонади. Шогирдлари Жойсин Очилов, Озод Холиқов, Келдиёр Норбобоев, Файзулла Қўлдошев, Олим Усмоновларни ҳам ҳунар сирларига ошна қиляпти.

- Худога шукур, ўн фарзандим бор, тўрт ўғил, олти қизнинг отаси, 45 неварачеваранинг бобосиман, — дейди у. — Катта ўғлим Холбозор яқин ёрдамчим, кичиклари ҳам ўқиган, эслиҳушли. Катта оилани ҳунарим орқасидан боқдим. Хўжалик раҳбарлари ҳам ёрдамини аяшмади.

Уста Абдижалил тўлиб-тошиб сўзлаганда ёшариб кетади, болаларча соддалик билан ичидагини ошкор қилиб қўяди. Ҳа, у оддий, бироқ яратувчи халқимизнинг камтар истеъдоди сифатида қадр-эътибор топаётганидан боши кўкка етиб турибди.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Таҳлил ва сабоқ

ОРТГА ҚАЙТИШ КЕРАКМИ?

— Жуда бўлмаса хаёлан орқага қайтиш керак, — деган фикрни ўртага ташлади деҳқон (фермер) хўжалиги бошлиғи Файзи Мираъзамов жамоа хўжалигининг ҳисобот йиғилишида. — Чунки кейинги йилларда хўжалигимиз нафақат Тошкент тумани ёки вилоятида, балки мамлакат бўйича тутган мавқеи, орттирган шуҳратини бой бериб қўйди...

Дарвоқе, бу ўринда ортга қайтишни — тисарилиб орқага қайтиш маъносида эмас, балки яқин ўтмишда орттирилган бой тажрибалар, ишни ташкил қилишнинг энг манфаатли услублари билан қуролланиб, яна олдга қараб одимлаш маъносида тушуниш жоиз.

Ҳақиқатан ҳам собиқ К. Маркс номли колхоз иқтисодий юксалиб, хоҳ собиқ Иттифоқ, хоҳ хориж давлатлари раҳбарлари бўлсин — бу ерга ташриф буюрмасдан кетишмасди. Миллионер хўжаликнинг намунали ишлари, ташаббуслари республика ва ундан ташқарига ҳам овоза бўлганди. Колхозга қирқ йилча моҳирона раҳбарлик қилган, ҳозирги давр тили билан айтганда тадбиркор, элга қайишадиган, Меҳнат Қаҳрамони Ғуломмаҳмуд Абдуллаевнинг номини халқ доимо ҳурмат билан эслайди. Халқ дуосини олган ана шу миришкорга яқинда бюст ўрнатилади. Музей ташкил этилади. Мазкур хўжалик ва у яшаган маҳалла эса унинг номи билан аталаётир.

От изини той босар, деганларидек, кейинчалик ушбу жамоа хўжалигига раҳбар бўлган Рустам Акбаров ҳам хўжаликни иқтисодий юксалтириш, қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига асосий эътиборни қаратди. Аксарият муаммоларни жамоа билан маслаҳатлашиб, оқсоқоллар билан кенгашиб ҳал қилишга ҳаракат қилди. Кўпчиликка қайишди. Натижада жамоа хўжалиги ҳудуди шаҳар тусини ола бошлади. Бир неча замонавий бино, 600 ўринли маданият саройи, мактаб, боғча, иссиқхона, улкан музхоналар, консерва заводи, уйжойлар қуриб битказилди. Аҳоли табиий газ, тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлди.

Очиғини айтганда кўп нарса хўжалик раҳбарига, унинг жонкуярлиги, тадбиркорлиги ва одамлар кўнглини нечоғли топа билишига ҳам боғлиқ экан. Р. Акбаровдан кейин сайланган раис эса жамоа аъзолари ишончини оқлай олмагани учун ишдан бўшашга мажбур бўлди. Яқинда бир овоздан жамоа бошқаруви раҳбарлигига сайланган ёш, изланувчан Илҳом Маҳкамов хўжаликнинг аввалги шуҳратини тиклаш учун бор билими ва куч-ғайратини сарфламоқчи. Буни келажак кўрсатади, албатта.

Зотан, юртбошимиз қайта-қайта айтганидек, «Бундан буён ҳар бир раҳбарнинг фаолияти Ватаннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга нечоғли ҳисса қўшғани билан ўлчанади».

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Избоскан тумани маркази Пойтуғ шаҳрида янги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишга тушди. Янги цех Туркиянинг «Политехник» фирмасининг нон пиширадиган замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Ҳозирги кунда бу ерда бир сменада 2,5 — 3 минг дона 4 хил турдаги бўрсилдоқ иссиқ нонлар пиширилиб, пешма-пеш туман аҳолисига етказиб берилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) нонвойлар Санобар Ниёзова ва Манзура Расуловалар пиширган нонинг мазаси оғзингизда қолади.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

МУҲИМ УЧРАШУВ

СЕУЛ. Халқ вакиллари умумхитой кенгаши доимий қўмитаси раиси Цяо Ши миллий кенгаши съездлар саройида жанубий кореялик ҳамкасби Хван Нек Чю билан учрашди. Томонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайишини ёқлаб фикр билдирар эканлар, бу — Осиёда ҳамда бутун Ер юзида тинчлик ва осойишталик қарор топишида муҳим ўрин тутишини таъкидладилар.

ШАРТНОМА МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

БМТ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага (ЯҚТТШ) аъзо мамлакатлар иштирокида ушбу муҳим шартномани белгиланмаган муддатга ва ҳеч қандай шарт қўймасдан узайтириш масаласи муҳокама этилмоқда. 12 майгача давом этадиган ушбу халқаро конференцияда 178 давлат вакиллари қатнашаётир.

АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер анжуманда ЯҚТТШнинг мақсади айримлар учун ядровий монополияни сақлаб қолиш эмас, балки барча учун хавфсизликни таъминлашдан ибораталигини таъкидлади.

ҲУКУМАТ ИСТЕЪФО БЕРДИ

ОСЛО. Исландия ҳукумати истеъфога чиқди. Мамлакатда 8 апрель куни парламент сайлови бўлиб ўтган эди. Президент Финнбогадоттир сайлов якунлари юзасидан вазирлар маҳкамасини ташкил этишни мустақиллик консерватив партиясига топширди. Бироқ, ўтган душанба куни бу партия бундан буён социал-демократик партия билан иттифоқ тузишни истамаслигини маълум қилди. Юзага келган танглик Исландия ҳукуматининг истеъфо беришига сабаб бўлди.

ҚУВАЙТГА РАСМИЙ ТАШРИФ

АЛ-ҚУВАЙТ. Синьхуа ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов Қувайтга расмий ташриф билан келди. Аэропортда И. Раҳмонов ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишиларни Қувайт амири Жобир Сабоҳ ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Икки ҳафта муқаддам Тожикистон ва Қувайт ўртасида дипломатия муносабатлари урнатилгани ҳақида протокол имзоланган эди. Ташриф давомида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида бир қанча битимлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ ТЕКШИРИЛМОҚДА

МОСКВА. Президент Борис Ельцин мамлакат Бош прокуратурасига Россия ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Аум Синрикио» Япон диний ташкилотининг барча бўлинмаларини текшириш учун топшириқ берди. Ушбу диний мазҳаб раҳнамоларининг айрим кишиларга нисбатан мияни фалаж қилувчи газ қўллаб тажриба ўтказгани бундай кескин чора кўрилишига сабаб бўлди. Тажрибанинг бевосита гувоҳи бўлган аёл Москва муниципал судида шу ҳақда маълумот берган.

Текширув ишлари Япония полицияси билан бирга олиб борилади. Маълумки, Токио метросида рўй берган мудҳиш воқеа мазкур диний мазҳабнинг қилмиши сифатида текширилмоқда. Бугунги кунда Японияда «Аум Синрикио»нинг 107 нафар аъзоси қамоққа олинган.

ЖУРНАЛИСТЛАР ИШ ТАШЛАДИ

РИМ. Италия матбуоти миллий федерациясининг маълум қилишича, муштарийлар икки кун давомида мамлакатнинг яна уч газетасини ўқий олмайдилар. Зеро, «Коррьере делло спорт», «Ла гадзетта делло спорт», ва «Тутто спорт» кундалик газеталари ходимлари иш ташладилар. Жамоа шартномасини имзолаш чўзилиб бораётгани сабабли журналистлар ана шундай қарорга келди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Ҳамкорлик

ХОРИЖДАН КОМПЬЮТЕР КЕЛТИРИЛДИ

ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Шаҳардаги биринчи лицейга Туркиянинг «СИЛМ» ширкатидан 15 та замонавий компьютер келтирилди.

Бу замонавий аппаратлар ўқувчиларнинг кенг билим олишларига имкон беради. Узбекистон — Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган бу лицейда болалар узбек, турк ҳамда инглиз тилларида ўқишмоқда. Ҳозирча билим масканида 143 нафар ўқувчи бор.

- Лицейимиз яна 100 ўринга кенгайтирилади,— дейди билим маскани директори Тоҳир Соатов. — Айни дамларда вилоят ижара қурилиш ташкилоти икки қаватли бинони қурмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Қўшма корхона

БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР

НАМАНГАН. Уйчи тумани марказида яна бир қўшма корхона фойдаланишга топширилди.

«Олий дон» номи берилган бу корхонада ун хилдан ортиқ нон маҳсулоти тайёрланмоқда. Бўрсилдоқ нонлар ва турли пишириқлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Корхона қошида муъжазгина қаҳвахона ҳам ишлаб турибди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

Табобат

ТИШНИ ОҒРИҚСИЗ ДАВОЛАШАДИ

ТОШКЕНТ. Мирзо Улуғбек тумани «Меҳр-шафқат» жамиятига қарашли «Садаф» тиш даволаш кичик корхонасида кўрсатилаётган тиббий хизматдан кўпчилик мамнун.

Узига хос шифо масканининг очилганига кўп бўлгани йўқ. Аввал 4 киши хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир уларнинг сафи 26 нафарга етди. Муҳими, улар ҳамиша изланишда. Хусусан, юртимизда илк марта биоситалдан оқ тиш қўйиш узлаштирилди. Бундай тиш металл-керамика тишларидан фарқ қилади. Хусусан, 3-4 марта мустаҳкам бўлиб, рангининг табиийлиги билан ажралади, ҳам арзонга тушади. Беморларга маъқул бўлаётгани тишлар оғриқсиз олинмоқда ва даволанмоқда. Айни пайтда миллий анъаналарга амал қилиняпти. Айтайлик, қиз болаларнинг қулоқларини тешиб, зирак тақиб қўйилаётганидан онахоналар мамнун.

Шаҳло ШОИСЛОМОВА.

Байрам арафасида

ЖАНГЧИ ШОИР ХОТИРАСИ

ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Раҳим Бекниёз ижод ва маърифатга ихлос қўйганлардан эди. У Урганчдаги ўқитувчилар тайёрлаш институтида ўқиб юрган кезлари уруш бошланган.

20 баҳорни қаршилаган йигит тенгқурлари қатори урушга отланди. У миномётчилар командири, артиллерия разведкаси бўлими раҳбари бўлди. Кейин бир неча еридан яраланди. Урушдан кейин ўзини адабиёт майдонида синади. Шоир, ношир ҳамда драматург сифатида элга танилди. Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси, Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва Урганч гидромелиорация техникуми жамоаси билан ҳамкорликда китобхонлар кечаси ўтказди. Йигин шоир Раҳим Бекниёз ҳаёти ва ижодига бағишланди. Унда адабиётшунос олим Н. Қобулов, ёзувчилардан М. Абдулҳаким, Э. Мадраҳимов, санъаткорлардан Б. Раҳимова билан Б. Бобожоновлар жангчи шоир ҳаёти ва ижодига оид хотираларни ёдга олдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Савоб ишлар

«МУРОДБАХШ» ДОРИХОНАСИДА

ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Вилоят касалликларни аниқлаш марказининг ертўласи олти ой илгари қаровсиз ҳолатда эди. Ҳозир бу ерда дорихона очилган.

Дорихоналарда узоқ йиллар ишлаб тажриба орттирган И. Ҳасанов хайрли ишга қўл урди. У фарзандлари билан ертуланинг бир бурчагидан эшик очиб, майдонни тозалаб, тартибга келтирди. Қарабсизки, қуримсиз жой дорихонага мосланди.

— Ёз ойлари эди. Саломатлик жамғармасидан атиги 2 минг сўм қарз олдик, — дейди Исмоил Ҳасанов. — Ўзимиз ҳам ёнимиздан сарф-харажат қилдик. Россия шаҳарлари ва Қозоғистондан турли дорилар олиб келдик. Муҳими, дориларнинг арзонроқ сотилишига эътибор қилмоқдамиз. Дуконни яхши ниятда «Муродбахш», деб атадик.

«Муродбахш» дорихонаси хизматидан аҳоли мамнун.

Илҳом КАРОМОВ.

Қишлоқ хўжалиги

ҚИЙҒОС НИҲОЛЛАР

Ўтган хўжалик йилида давлатга пахта тайёрлаш режасини ошириб уддалаган Зафаробод тумани деҳқонлари бу йил 13500 гектар майдонга чигит экиб олишлари учун атиги бир ҳафта кифоя қилди.

Тумандаги Собир Раҳимов номли, Охунбобоев номли ижара ширкатлар бирлашмалари бу борада айниқса пешқадам бўлдилар. Уруг обитобида тайёрланган тупроққа қадалганлиги учун Собир Раҳимов номли ижара ширкатлар бирлашмасининг Сирож Маматқулов, Қосим Шойзоқов бошлиқ жамоалари далаларида қийғос ниҳоллар пайдо бўлди. Сузи билан иши бир зафарободликлар барча майдонларда чигитни ернинг табиий намига ундириб олиб, жорий йилда 31 минг тонна «оқ олтин» хирмони тиклаш учун астойдил курашмоқдалар.

Аҳмаджон БОЛИБЕКОВ.

Ғалабанинг 50 йиллигига

ИККИНЧИ УМР

Ҳар бир инсон ҳаёт саҳнасида ўзига хос образ яратади. Кимдир шу орқали одамларнинг қалбида қолади. Кимдир ўша мухлис уйига етмасдан унинг ёдидан тушиб қолади.

Мусо Мақсудов ўзининг қисқа, аммо мазмунли умрида юзлаб шогирд қолдириб, ўзининг ардоқли умрини абадийликка улаб кетди. Мусо ака виждони пок, имони бақувват муаллим эди.

Уруш бошланганида Мусо Мақсудов элга келган тўй деб армияга кетди. Биринчи хати тўнғич ўғли Яҳёга келди. Унда шундай сўзлар ёзилганди: «Она юртим учун, халқ учун фидойилик бу жасоратдир. Мана мен кўряпман болам, кўп қон тўкяпмиз. Даҳшатли урушни кўриш менга насиб этди. Ёв билан юзма-юз келдик. Мен оғзи қон, қўли қон душман билан юзма-юз бўлдим. Улардан қўрқмадим. Орқага чекинмадим. Ўлимга тик боқиб, улар билан олишдим.

Зомин қирларининг ёнбағрида жойлашган Қўрғон гузарининг хонадонларидан бирида аёл кишининг «Вой уйим қуйди» деган фарёди барча ёшу-кексани оғир бир мусибатдан огоҳ этди. Бу аёл беш фарзанднинг онаси, хоки Европада қолган жангчи Мусо Мақсудовнинг беваси Адолат эди.

Ё тавба, куни-кеча юзлаб жондан ширин талабаларига келажак ҳақида, ўтган кунлар ҳақида дилдан суҳбат қилган комил инсон бугун йўқ бўлса. Ҳа, миш-миш ҳақиқат бўлиб чиқди. Ўшанда даҳшатли уруш узоқ юртларда эмас, гўё худди биз яшаб турган икки қир орасидаги Зомин туманида ҳам бўлаётгандай эди. Худонинг берган куни икки-уч жойдан азадор овозлар чиқарди.

Мусо аканинг тўнғич ўғли Яҳёнинг сўзидан:

— Ўша пайтда 12-13 ёшда эдим. Урушнинг совуқ нафаси юрагимга чўкиб кетганди. 1943-45 йилларнинг қора булут билан қопланган тонгларини йиғисиз кутган кунни эслай олмайман. Ҳар куни мактабдан уйга қайтаётсам куни-кеча ўғил-қизларини бағрига босиб, дилдаги илиқ меҳри билан ардоқлаган, мўътабар оталар, меҳрибон акалар қимматли оға-инилар бугун йўқ деб оғир изтироб чекардим. Отам ва у кишининг тенгдошлари, қуролдош дўстлари Нўъмонжон Баротов, Фаёзжон Файзиев, Иноятулло Азимов, Ҳакимжон Каримов, Мамарафи Мамадаминовнинг ўлмас руҳлари олдида ҳали қарзимиз кўп.

Кенжа ўғли Ҳакимжоннинг айтишича, у отасини яхши эслолмас экан. Лекин у ҳақда эшитган хотиралари ғаройиб. Сиз ҳам бир тингланг: «Ўлим қанчалик даҳшатли, қанчалик оғир бўлмасин, ҳаёт бизни унга кўникишга мажбур қилди. Бугун хоки-поклари Европада қолган барча Ватан фидойиларининг муборак номлари такрор-такрор эсланмоқда. Уларнинг абадиятга дахлдор ўлмас руҳлари, айниқса, Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланаётган кунларда бизни кўпроқ ҳушёрликка чорлаётир. Отам ҳақида... Қўйинг, юрагим чидамайди. Мен шундай инсоннинг фарзанди бўлиб туғилганимдан бир умр фахрланиб яшасам арзийди. Бугунги кунда бегуноҳ гуноҳкорларнинг юзига мустақиллик нури таралмоқда. Отамнинг ҳам покиза руҳлари яна покланди. Бугун мен у ҳақда, яна ҳам тўғрироғи, даҳшатли урушнинг қурбони ҳақида дилдан сўзламоқдаман. Шоядки, бу камтарин отамга муносиб ёдгорлик бўлса...

МУСТАҚИЛЛИК шарофати билан, шукрки, Яратганнинг ўзи, бизга тил берди, эрк берди. Энди буёғи ўзимизга боғлиқ. Мен отамнинг қисқа ҳаётини ҳикоя қилиш баҳонасида айтадиган бўлсам — 1941 — 1945 йилларнинг ҳисоб-китоби бир замонлар бизнинг мурғак ақлимиздан ташқарида эди. Кўп гаплар айтилмай, сир сақланиб келарди. Урушнинг ёзилмаган ҳақиқатлари ҳали беҳисоб.

Тўғриси, Мусо Мақсудов ҳақида хотира ёзишимга йиллар ўтиши билан сарғайиб кетган, яъни 1941 йил 14 августда олинган фотосурат туртки бўлди. Бу тасвирдаги юртдошларим Нажмиддин Зокиров, Маматқул Ражапов, Турсунмурот Абдураҳмонов ва Мусо Мақсудовларнинг ёниқ кўзлари ўзлари билан пинҳон олиб кетган армонларини англатаётгандай. Суратдаги тўртала азамат ҳам Зомин марказидаги ўрта мактабнинг муаллимлари эди. Уларнинг бирортаси ҳам қайтиб келмади. 1941 йил 14 август куни Мусо ака бир гуруҳ туман ёшлари билан суратга тушди, сўнг... Зомин Тешиктепа (станцияси) тошйўлигача, у ёғи Обурчево станциясигача пиёда борди. Кейин... фронт ва... Мусо ака тўрт йилдан кўпроқ урушда бўлди. У, айниқса, Сталинград ва Москва остоналарида бўлган даҳшатли жангларда ўзининг ҳақиқий ватанпарвар эканлигини кўрсатди. Бу ҳақда Мусо аканинг яқин қўшниси ва қуролдош дўсти Абдуҳолиқ Самиев шундай дейди: «1944 йилнинг охирги кунлари. Немис газандаларини кун сайин чекинишга мажбур қилмоқда эдик. Тўғриси, бизнинг ҳам тинкамиз қуриб ҳолдан кетиб борардик. Баъзан иккиуч кун, баъзан ҳафталаб овқат емасдик. Лекин ҳаммадан ҳам Ватан туйғуси кучлилик қилди.

1944 йил 17 декабрь куни биз Украинанинг Каменец-Подолск шаҳрида Мусо билан ажрашдик. Мен оғир ярадор бўлиб госпиталга кетдим. Охирги марта ўшанда кўргандим. Мусонинг хоки балки Украинада, балки Берлин остоналарида қолгандир. У ёғини худо билади. Нима бўлса ҳам она-Ватан, меҳрибон халқининг келажаги учун жонини берган фидойилар мангу яшайдилар...

Мусо акадан тўрт нафар фарзанд унинг босиб ўтган ёрқин йўлининг Йўлчи юлдузи бўлиб қолди. Катта ўғли Яҳёбек ота изидан бориб, қирқ йилга яқин отаси ишлаган мактабда математикадан дарс берди. Халқ маорифи аълочиси, «Ҳурмат белгиси» орденининг нишондори, Робия ойим ўн фарзанднинг онаси. Хадичахон ҳам муаллима, беш фарзанднинг онаси. Кенжа ўғли Абдуҳаким савдо соҳасида меҳнат қилмоқда.

Раҳматли Мусо муаллимнинг 23 ёшида бева қолган аёли Адолат момо ҳақида қанча гапирсак ҳам оз. У киши бугун саксонни қоралаб қолган.

— Ҳаёт мураккаб, ўғлим, — дейдилар Адолат момо. — унинг ичига кириб яшасанг кўп қийналмайсан. Терак дарахтининг бир шохидан бешик ясалса, бир шохидан тобут ясалади. Бешик ясаганда бир кишига кўпаяр экан, тобут ясаганда бир кишига камаяркан бу дунё. Ўғил қизларимнинг бўйи етиб, қолгандан сўнг ҳоли жонимга қўймай:

— Онажон, дадамнинг хоки-поклари қаерда, билмайсизми? — деб сўрадилар. Мен уларнинг пешоналарини силаб кўзёш тўкиб:

— Йўқ, билмайман, болажонларим, «Қора хатда у ҳақда ҳеч нарса ёзилмаган эди... — деб юпатардим.

Карим МИРУСМОНОВ.

ҲАВО ШУНҚОРЛАРИ

Бундан эллик тўрт йил муқаддам мудҳиш уруш бошланганда республикамизнинг бир қатор шаҳарларида махсус авиация эскадрильялари тезда тузилди. Ёш учувчилар «У-2» самолётида парвоз қилишни ўрганишди. Диёримиз мамлакат ҳимоячилари — ҳаво қарчиғайлари сафини тайёрлади. Улар билан бирга республиканинг барча авиаторлари оёққа турди. Ўзбекистон Фуқаро авиацияси флоти ва унинг бўлинмалари, аэропортлар, турли хизмат жамоалари ўзининг фаолиятини мудофаа тартибига қараб мослади. Навқирон ва тажрибали авиаторларнинг жуда катта қисми — учувчилар, штурманлар, диспетчерлар, алоқачилар, авиатехниклар, айниқса санитария авиацияси ва узоқ масофа парвози авиацияси мамлакат Ҳарбий Ҳаво кучлари сафига қўшилди. 1941 йилнинг 6 июлда моҳир учувчи Орлов қўмондонлигидаги 15 самолётдан иборат санитария авиацияси ҳаракатдаги армия сафига бориб қўшилди. Ўша кезда энг яхши учувчилардан Абдусамат Тайметов, Гофур Орипов, Эргаш Фозилов, Борис Тихомолов, Наби Ваҳобов ва бошқалар жанг майдонларига бориб, фашизм газандаларига қарши курашда мислсиз матонат кўрсатдилар. Ўзбек ҳарбий учувчилари партизанларга ёрдам етказиш, разведкачиларни самолётдан душман атрофига ташлаш, унинг ҳарбий кўрғонларини ҳаводан бомбардимон қилиш, ҳаво жангларида душман самолётларини уриб туширишгача бўлган жангларда матонат кўрсатдилар.

Моҳир учувчи, Абдусамат Тайметовнинг энг масъулиятли ва шарафли топшириқни бажаргани мислсиз ғалаба ифтихоридир.

1945 йил май ойида А. Тайметов командирлик экипажига катта ишонч билдирилди. Совет Қуролли қучлари Олий Қўмондонлигининг вакиллари Гитлер Германиясининг таслим бўлиши ҳақидаги ҳужжатларни имзолаши учун уларни Берлинга махсус самолётда олиб бориш шарафли вазифаси топширилди. Ўзбек учувчиси бу парвозга юксак талаб даражасида пухта тайёргарлик кўрди. У қўмондонлик вакилларини белгиланган дақиқада етказиб борди ва ўша гуруҳни имзоланган таслим ҳужжати билан 9 майда Москвага етказиб келди.

Тошкент аэропорти бугунги кунда ҳаёт бўлган собиқ ҳарбий учувчилари ҳурматини бажо келтирмоқда. Улар: Михаил Носов, Андрей Купцов, Василий Коршак, Тошкан Хўжаев, Николай Денисов, Зуҳрулла Мирқосимов, Иван Коршунов, Николай Титлов, Василий Вислогузов ва Валентина Мочалова билан катта жамоа фахрланади.

Зиёвуддин ИЛҲОМОВ,
Тошкент аэропорти ходимлар бўлими бошлиғи, ХДП бошланғич ташкилоти котиби.

Суратда: Тошкентнинг собиқ ҳарбий учувчилари.

А. ТЎРАЕВ сурати.

Эл яхшиликни унутмас

ЎН КИЛО БУҒДОЙ ҚУВВАТИ

Ёки шугина ризқ-рўз билан қишлоқ аҳлини очликдан омон сақлаганмиз, — дейди Акмал Икромов тумани тижорат-саноат-қурилиш банки бошқарувчиси Абдусаттор Обилов

— Юз билан минг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ана шу оддий ҳақиқатни тушунмайдиган одамгина ғалланинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрнини ҳам тушунмайди, десак ҳато қилган бўлмаймиз. Афсуски, шундай кишилар жойларда ҳали бор. Мамлакатимизда ғалла ҳосили худога шукр йилдан-йилга ошиб бормоқда. Сабаби нимада? Асосий сабаб мустақиллик, истиқлол қуёши оназаминимизда бу турдаги ризқ-рўзимизни ўзимизда аста-секинлик билан бўлсада етиштиришимиз мумкинлигини исботлади. Эндиликда, аввало қам ҳосилли хўжаликлар, камарни маҳкамроқ боғлаган фермерлар ғалладан кўп ва мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Ўтган йили салкам гектаридан саксон центнердан ғалла ҳосили олган хўжаликлар бўй кўрсатди. Бунинг сири нимада эканлигини дарров илғадингиз-а? Ҳамммма гап... эркин қанот қоқишу, меҳнатни тўғри ташкил этишда экан. Наҳотки биз Голландия, ҳатто Олмония сингари, АҚШнинг баъзи минтақаларида етиштирилган 120-125 центнерлик ғалла ҳосилини ололмаймиз? Ушбу мамлакатларнинг еридан, деҳқонларидан бизнинг қаеримиз кам?

Ўзи асли банк соҳасида ишлаётган одамнинг етти ёт тармоқнинг ривожи ҳақида фикр юритиши ноўриндай туйилсада, лекин у ҳақ эди. Тўғри мушоҳада юритарди. Шу боисданми асосан деҳқонлар — юртдошлари даврасида ўтириб ушбу соҳанинг билимдонидай ёки ўзи ғаллачиликда халқ оғирини енгил қилгандай гапираётган Абдусаттор Обилов, фикрларим ўтирганларга маъқул бўлмаяпти шекилли дегандай атрофига бир қараб олди. Даврада ўтирганлар деҳқон фарзандлари эмасми, унинг гапини маъқуллашди.

Эҳтимол, унинг сўзлари ўтган йили саккиз-тўққиз центнердан ҳосил олган ғаллакор юртдошларига оғирроқ ботгандир. Эҳтимол, кўпроқ центнерчиларни қувонтириб юборгандир. Нима бўлганда ҳам унинг имо-ишорасидан бир юрт фидойисининг ташвиши халқимиз учун керак бўлаётган 3,5 миллион тонналик ғалла ҳосилини тезроқ етиштириш орзуини ҳис этдим.

— Уруш йиллари, оғир йиллар эди, дейди Абдусаттор ака. — Шу даражага етган эдики, Ўзбекистонда етиштирилган ғалла ҳосили бундай олганда ўз аҳолисига беш-олти кунга етарди. Не кунларки икки қўлимиз кишанли, дилимиз боғли эди. Етиштирилган шугина ғалла ҳосили, иложи бўлса миқоли ҳам «ҳисобли», бу ерда қолдирилмасди. Даврнинг «Ҳамма нарса уруш учун» шиори одамларнинг очликдан ўлишига эътибор бермасди. Балким бу шиор қай маънода тўғридир. Лекин уруш учун ишлаётганлар ўлса... Нон чучик эди. Шундай кезларда Қодир ота деган инсон ўн кило буғдойни ҳисобдан яшириб қолиб, ҳаётини хавф остига қўйиб, 25 хонадондан иборат қўшни қишлоқ аҳли қадрдонларини очлик ҳалокатидан сақлаб қолган. Кўпнинг ризқи, ўн кило буғдой оз эмас, кўп эмас ўн кун шу қишлоққа аталa қилиб ейишга яраган! Бу Қодир отанинг ҳиммати менинг туғилган масканим накрутликларнинг ҳаётида сира ўчмасдир.

Пайариқ туманининг Накрут қишлоғида ўша кезларда бундай одамлар кўпчилик эди. Жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишлаган Анорбой Суяров, Эгам бобо, Маҳамад ота сингарилар етимесирларнинг бошини силаган Йўлдош оталарни тилга олмай бўладими, ахир.

— Ўша йиллари биз 8-9 ёшли ўспирин бола эдик. Назаримизда анча улғайиб қолгандик. Чунки қўш қўшиб омоч-ҳайдардик. Бўйи-бастимиз омоч баробар бўлсада қилган меҳнатимизнинг салмоғи баланд эди.

Эрта баҳор эккан буғдойимиз баъзи йилларда кузгача ҳам сариштасини ололмай қолган кезларимиз бўлган. Бундай пайтда ёғин-сочиннинг остида қолиш хавфи Шарқда синалган усулга – ҳалқ ҳашарига таяниларди.

Мана, орадан йиллар ўтди. Меҳнатдан барака энадиган давр келди. Юртимизда ҳар бир киши, муҳими, эртанги кунга ишонч билан яшамоқда. Суҳбатдошим Абдусаттор Обилов ҳам ўша қийинчилик йилларини бошидан ўтказди. Тепадан буйруқ бериладиган йилларга ёшлигини берди. Жўшиб меҳнат қилди. Турмуш ўртоғи Қаршигул опа билан уч ўғил ва бир қизни вояга етказди. Уларни ҳам элига, юртига меҳри баланд қилиб тарбиялади.

— Банк соҳасида ҳозирги халқ хўжалигида учраётган қийинчиликларни енгишда, аввало ушбу соҳа ходимларининг иш фаолиятини тубдан яхшилаш керак, — деб сўзини давом эттирди Абдусаттор ака Обилов. —Мамлакатимизда пул муомаласини илк бора туман миқёсида режалаштирган ҳолда иш юритиш ва унинг мавқеини ошириш масаласида тинмай изланишлар қилишимиз, шу жумладан кредит беришни молиялаштиришни ниҳоятда назоратга олишимизни давр талаб этмоқда.

Хуллас, 8-9 ёшданоқ омоч ҳайдаб буғдой эккан Абдусаттор Обилов юрти учун жон қуйдирмоқда. Нияти, орзулари, туғилган маскани накрутликлар ниятига эш. Ана шу эшлик юртимизнинг ҳар бир фуқаросини тарк этмасин.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳуқуқий демократик давлат сари

ҚОНУННИ БУЗГАЧ, АЙБНИ ЎЗГАДАН ИЗЛАМАЙДИЛАР

Тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйдик. Мамлакатимизда қонун бошқарувнинг асосий воситаларидан бирига айланиб бормоқда. Шу боисдан ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари масъулияти янада ортяпти. Фуқаролик жамиятида шундай бўлиши ҳам керак. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи, адлия маслаҳатчиси Муҳиддин Анварович МУСАЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Муҳиддин Анварович, дунёда тинч ва осуда яшаш, фаровон турмуш кечиришни истамаган бирон бир халқ бўлмаса керак. Лекин бунга эришиш учун маълум андозаларга риоя этиш зарур. Шундай эмасми?

— Тўғри. Нафақат жамият, балки сиз билан биз яшаб турган табиат ҳам ўз қонунларига эга. Бироз чекиниш юз берса, мувозанат бузилади. Шу боисдан ҳам қадердаки тараққиётнинг юксак босқичига эришилган бўлса, ўша мамлакатда қонунлар устивордир. Шоҳ ҳам, гадо ҳам унга бўйсунади. Акс ҳолда, боя айтганимиздек, мувозанат бузилади. Мустақилликка эришган илк кунларимиздан бошлабоқ давлатимиз раҳбари истиқболимизни асосий тамойилларидан бири сифатида ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлагани бежиз эмас. Демак, орзуимиздаги мақсадга эришувимизнинг асосий шартларидан бири — қонунга сўзсиз риоя этишимиздир.

— Қонун билан бирга инсон ҳуқуқлари, деган тушунча ҳам бор. Қонун эса маълум маънода фуқаролар имкониятларини чегаралаб қўймайдими?

— Бунга Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасида зикр этилган бир гап билан жавоб берсам. Унда, жумладан шундай дейилади: «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз... Бизнинг асосий вазифамиз — одамлар ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишлари ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки тенг имкониятларни, шу жараённи вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмларни яратиб беришдан иборат. Шундан кейин инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг салоҳиятига, меҳнат қилиш истагига, оқилу уддабуронлигига боғлиқ бўлади». Менимча, изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Чунки қабул этилаётган ҳар бир қонун алоҳида шахслар манфаати учун эмас, барчага бирдай тааллуқлидир.



— Лекин қонунни бузиб қўйиб, айбни ўзидан эмас, ўзгалардан кўраётганлар ҳам йўқ эмас-ку?

— Бу бошқа гап. Сиз айтган ҳолатларга деярли ҳар куни дуч келамиз. Бир неча йиллик тажрибам мобайнида ҳали бирор марта илк терговдёқ «айб ўзимда, жиноятга қўл урдим. Ҳар қандай жазога розиман, деган жиноятчини учратганим йўқ. Ҳатто олий жазога лойиқ жиноят қилганлар ҳам ўзини оқлашга уринади. Турли важлар қидиради. Ва, албатта, ўз қилмишини ўзгаларга боғлайдиганлари ҳам топилиб туради.

— Муҳиддин ака, Сиз раҳбарлик қилаётган бошқарма асосан алоҳида оғир жиноятга қўл урганлар иши юзасидан тергов олиб боради. Жамоангиз фаолиятидан мисоллар келтирсангиз.

— Дарҳақиқат, бошқармамиз республика Прокуратураси тергов Бош бошқармаси таркибидаги мустақил тармоқ бўлиб, муҳим аҳамиятга эга бўлган хавфли ва мураккаб жиноят ишларини бевосита тергов қилиш билан шуғулланади. Жумладан, 1994 йилда тергов қилиб тамомланган жиноят ишларининг барчаси мураккаб, кўп андозали оғир жиноятлар бўлиб, унинг асосий қисмини бандитизм, айбни оғирлаштирадиган ҳолатда қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш, талончилик, босқинчилик, ўзганинг мулкига кўз олайтириш, порахўрлик ва бошқа турдаги жиноятлар ташкил қилади.

— Масалан...

— Тергов гуруҳимиз ўтган йили Тошкент нефть маҳсулотларини тушириш, ортиш ва тақсимлаш корхонасининг собиқ директори С. Қўқонов ва унинг шерикларига нисбатан очилган жиноят иши терговини тугаллади. Тергов жараёнида бу шахс 1986 йилдан юқорида кўрсатилган лавозимда ишлаб, муовинлари А. Ўзбеков, Р. Анваров ва бошқалар билан уюшган жиноий гуруҳ тузиб, ўз хизмат мансабини мунтазам равишда суиистеъмол қилиб келган. Қўқоновнинг шахсан ўзи давлатнинг 58 миллион сўмдан кўпроқ мулкини ўзлаштирган. У бошчигидаги жиноий гуруҳнинг давлатга келтирган жами зарари миқдори 1 миллиард 13 миллион 135 минг 605 сўмни ташкил этади. Жиноий иш республика Олий судида кўрилиб, Самандар Қўқоновнинг мол-мулки мусодара қилиниб, 20 йилга, жиноий ишнинг бошқа иштирокчилари эса турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

Тергов қилинган оғир жиноятлардан яна бири «Дендропарк» боғида бўлиб ўтган икки жиноий гуруҳ ўртасидаги отишмадир. Шу куни 5 киши ўлган, 2 киши оғир тан жароҳати олган. Бошқарма терговчилари, ИИВ ва МХХ ходимларидан иборат тезкор тергов гуруҳи жиноятчиларни қисқа муддатда қўлга олишга эришди. Жиноятчилардан 43 миллион сўм нақд пул, 149 АҚШ доллари, 7 та автомашина, 150 миллион сўмдан кўпроқ қийматга эга олтин жиҳозлар олинди.

Тошкент шаҳрида ўз таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилган ушбу гуруҳнинг бирига Нодирхон Қосимов, иккинчисига эса А. Ғозиев ва Аваз Ибрагимов бош бўлган. Тергов ниҳоясида жами 14 киши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 67, 80-моддалари 1, 2, 4, 6-бандлари билан айб эълон қилиниб, жиноят иши кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилганди. Яқинда Олий суднинг ҳукмига биноан қуролли банда бошлиқлари ва фаол аъзоларидан Н. Қосимов, А. Ибрагимов, И. Маҳмутовлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 67-моддаси билан, М. Эрматов эса Жиноят кодексининг 67-, 80-моддасининг 1, 4, 6-бандлари билан айбли деб топилиб, ўлим жазосига ҳукм қилиндилар. Қарама-қарши бандининг қолган 10 кишидан иборат аъзоси ҳам айбдор деб топилиб, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар.

Ҳуди шундай моддалар билан айб эълон қилинган Аҳмад Исмоилов тўдасидан 9 киши, Тоҳир Мамадалиев тўдасидан 2 киши узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. 3 киши олий жазо олди.

— Энг оғир жазога лойиқ, деб топилган «дело»лар бошқа вилоятларда ҳам учрайдими?

— Ҳа, Қашқадарё вилоятида бир неча йил мобайнида оғир жиноятлар содир этган Барно Аҳмедов бошлиқ жиноий тўда (жами 16 киши) 40 дан ошиқ жиноий ишга қўл урган. Шулардан иккитаси одам ўлдириш билан якунланган. Тўда аъзоларидан уч киши — Барно Аҳмедов, Элбўри Бобоқулов, Зарип Шокировлар олий жазога, қолганлари эса 4 йилдан 17 йилгача бўлган муддатга ҳукм қилиндилар.

Воҳид Алиев гуруҳи томонидан содир қилинган бир неча одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик жиноятлари, аввал икки марта судланган Қодиров томонидан милиция ходимини қасддан вахшийларча ўлдирганлик жиноятлари терговчиларимиз томонидан қисқа муддатларда тугатилиб, судга юборилганди. Ҳар икки жиноятчи ҳам олий жазога маҳкум этилди.

— Юқорида қонун барчага баробар эканлигига алоҳида урғу бергандингиз.

— Ҳақиқатан ҳам шундай. У ким ва қандай лавозимда ишламасин, агар жиноятга қўл урса тегишли жазо олиши тайин. Масалан, ўтган йили бир неча киши мансаб ваколатини суиистеъмол қилгани учун иши судга юборилди. Улар турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар. «Ўзбеккабель» корхонасининг мансабдор шахслари томонидан содир этилган давлат мулкини ўзлаштириш, талон-торож қилиш, пора олиш ҳолатлари юзасидан жиноий иш айблов фикри билан судга юборилди. Ҳозир Тошкент шаҳар судида кўрилятти.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ масъул ходими, милиция подполковниги Нормуҳамедов ва бошқаларга (жами 8 киши) нисбатан қўзғатилган жиноий иш айблаш фикри билан судда кўрилиб, Нормуҳамедов 12 йилга, қолганлари эса турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

Яна такрор айтаман: қонун барчага баробар. Уни четлаб ўтмоқчи бўлганлар янглишадилар. Суд, прокуратура, ички ишлар ходимлари муштарак ҳаракат қилиб, жиноятчиликнинг пайини қирқиш учун бундан бўён ҳам астойдил қурашаверадилар. Зеро, соҳамиз вакиллари мамлакатимиздаги осойишталик, тинч меҳнат муҳитининг истиқлолимиз учун ниҳоятда зарур эканлигини яхши англайдилар ва халқимиз ишончини оқлаш йўлида куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини аямайдилар

— Агар сир бўлмаса ана шу қутлуғ мақсад йўлида ўрнак кўрсатаётган ходимларингиз билан таништирсангиз.

— Умуман олганда, бошқармамизда ўз ишига барча бирдек масъулият билан ёндошади. Бусиз мумкин эмас. Айни пайтда Д. Исроилов, Н. Ҳайдаров, А. Ҳакимов, Н. Юнусов, С. Ҳамроев, И. Холбеков, А. Мирзаабдуллаев, Н. Хабибуллин каби тажрибали, тезкор ходимларимиз бошқармада алоҳида ҳурмат-эътиборга эгалар.

Қурбон АЛИ суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

1995 — 96 ўқув йилида, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки, сиртқи), ўрта махсус таълим асосида қуйидаги мутахассисликларни тайёрлаш бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

11.01. Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси.
11. 02. Нон, макарон, қандолат ва ун маҳсулотлари технологияси.
05.17. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш машина ва аппаратлари.
05.69. Текстил ва енгил саноати машина аппаратлари.
11.05. Тикувчилик маҳсулотлари технологияси.
11.06. Чарм ва мўйна технологияси.
17.187. Агросаноат бирлашмалари иқтисоди ва менежмент.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА

03.01.17. Автомобиль, шаҳар транспортини ишлатиш ва таъмирлаш.
15.09. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.
03.03. Электротехника, электр таъминоти ва электротехник комплекслар (тармоқлар бўйича).
29.03. Саноат ва фуқаролик қурилиши.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки, сиртқи), қисқартирилган ўқув режалари асосида ўқишга танлаган мутахассислиги бўйича ўрта махсус маълумотли иш стажига эга бўлганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йилу 4 ой, корхоналар талабномаси бўйича ҳамда шартнома-тўлов асосида ўқитилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— ўрта махсус маълумот ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси; — шартнома (битим) — 2 нусхада; — меҳнат дафтарчасидан кўчирма; — тиббий маълумотнома — 086; — 3х4 см. ўлчамида 6 дона расм.

Аризаларни қабул қилиш муддати 1 мартдан 1 августгача.

Институт манзилгоҳи: Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев шоҳ кўчаси, 15-уй. Мурожаат учун телефонлар: 3-61-97, 3-67-92.

Дил изҳори

О, МУҲАББАТ, БОРИНГГА ШУКР!

«Шеърият! Бу ҳаётимнинг барча саҳифалари, азиздан азизим, оғриғим, шодлиғим, содиқ дўстим, сирдошим менинг», — деб ёзганида «О, ижод дардгинам! Изтироб, оромим, тақдирим, шуҳратим, толеим ва комим, — дея тасвир этганида шоира тамомила ҳақки, унинг исботини Зулфиянинг таржимаи ҳолидан ҳам яққол кўриш мумкин.

1935 йил 23 июль 21 ёшга қадам қўйган Зулфия билан 26 ёшлик қирчиллама йигит — Ҳамид Олимжоннинг туйлари ўтди. Бундан уч йил аввал тасодифан кўришувданоқ туғилган, йиллар давомида буюк муҳаббатга айланган севги — завқли, тотли, файзли, баракали бўлди.

Ҳамид Олимжон «Соғинганда», «Хаёлимда бўлдинг узун кун», «Севги десам», «Ишим бордир ўша оҳуда», «Энг гуллаган ёшлик чоғимда», «Хол» каби шеърларида саботли ишқни, юракда гуллаган буюк ва ардоқли муҳаббатни тараннум этар экан, бу асарларнинг илҳом париси — Зулфия эди. Зулфиянинг хаёли, севгиси, садоқати эди.

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни, — дея шоир «севгининг буйи» билан мастлигини, ёрига мафтунлигини изҳор этса,» дунёни ёритувчи» муҳаббатни куйласа, бошқа бир ўринда садоқатли ва вафодор бўлиш ахлоқий ҳусн ва фазилат эканини ҳаяжон-ла сўзлайди, юрак амрини оловли мисраларда жонлантиради.

Икки қалбни бирдай ловуллатган бу ишқ Зулфия қалбини тугёнга солади. У унлаб шеърларида севгисининг саҳифаларини очиб берадиган «ишқ қушиғини» куйлайди, бахтиёрлигини тараннум этади.

Сени гўё ҳаётдан узиб,
Ўт парчаси сингари тутдим.
Чеҳранг беҳад бахтиёр кўриб,
Ишон, ўзимни ҳам унутдим.
Сен сездингми бизнинг нафасдан
Коинотдан ортган эди нур.
Ҳатто қора сочлар чўғида
Бахту шодлик эттанди ҳузур.

Бироқ, 1944 йилда «номус ва ори — одамларга бахт бермоқ, бахтлилардан гул термоқ» бўлган Ҳамид Олимжон «энг гуллаган ёшлик чоғида», умрининг 35 ёшида фожиали тасодиф натижасида ҳаётдан кўз юмди. «Мен ўзимни у билан ҳалок бўлдим, дедим хаёлимда. Мана ҳозир ҳам орадан шунча вақт ўтиб кетишига қарамай, айрилиқнинг куйдирувчи аламларини бутун оғирлиги билан ҳис қилиб турибман», — дейди шоира.

«Бахтиёр севгини куйловчи соз» — «ўлим ҳанжарига тегса-ю, синса бунга ким чидайди? Ким? Шодликка тўлиқ умр юксак даражадаги мусибатни қандай кўтарали? Ақл лол, тил лол! Бахт — бахтсизликми? Бундай ғам, бундай йўқотиш, бундай азоб, бундай дард нечун? Нега тирик экансан, ташлаб кетмадинг, ташлаб кетмадинг-а бошлаб кетмадинг?!..»

Шукроналик шундаки, Ҳамид бўлмаса-да, унинг севгиси ҳаёт. Бу севги — қуёш нури янглиғ қувват, қудрат, қувонч бахш этади, айни пайтда йўқотишнинг азобига, умидсизлик қисматига ҳам зарба беради. «... Ҳурликка чиққан ҳаётнинг ҳар бир дақиқасига, она-Ватаннинг бир қарич бўлиб кўтарилган гиёҳидан сервиқор тоғларигача асл ошиқ», инсоноларни севган шоир ҳаёт! Ана шундай ишонч, ана шундай эътиқод, ана шундай садоқат шоирани янгитдан яратади. «Кишини лол қолдиргудек даражадаги шеърият» (Миртемир) соҳибасига айлантиради. Умр йўлдошинг:

Биласанми: севган кишингга
Содиқ бўлмоқ ўзи садоқат, —

сўзларини қалбига кўчирган, яшашнинг маънисига айлантирган шоира ўз шеърларида бевақт ўлим олиб кетган ёрининг хаёлини, айрилиқ аламини, муҳаббатнинг мангу ва боқийлигини, ишқнинг ҳижронга бардош беришини, «совуш бермаган» туйғуларини тасвирлаш орқали Ҳамид Олимжоннинг ҳаққоний образини яратади. Демакки, у Ҳамид Олимжонни қайтадан тирилтиради.

Шоиранинг садоқат туйғулари тасвирининг бетакрор, якка кўриниши бўлмиш, «шеъриятимизнинг ҳеч бир шубҳасиз энг нодир дурдоналари қаторидан урин олган» (Э. Воҳидов) «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеърига бир назар солайлик. Асар баҳор тасвири билан бошланади:

Салқин саҳарларда, бодом гулида,
Бинафша лабида, қирларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...

Бу хабар кўнглимизда баҳор янглиғ тозариш, янгиланиш, уйғониш, севиниш туйғуларини уйғотади. Қандайдир енгиллик сезасиз. Бироқ бу туйғуларингизга бирданига чек қўясиз. Шеърнинг кейинги мисралари сизни эсанкиратади. Баҳор қуйчисини, баҳорнинг шайдосини қумсаш оҳангида, йўқотишнинг азобига дуч келасиз. Баҳор ўзининг севимли дўстини, бетакрор куйчисини изламоқда... Аммо, шоир йўқ, баҳор бундан бетоқат. У шаббода бўлиб излай бошлайди, топмагач, сабри тугаб, бўронга айланади... Баҳор янглиғ Сизнинг қалбингизда ҳам пўртана бошланади, туйғуларингиз жунбушга келади...

Шоира бу шеърида ўз дарди-изтироби билан ўзганинг ҳам ана шундай дард-тугёнларини тафовутсиз ҳис этади. «Ўзганинг дардини дард кўрган билади». «Мендан кейингилар дард курмасин деб, дардим селобини тўкдим шеърга», — дейди у.

Халқ ва фарзанд меҳри, буюк ва соф муҳаббатга садоқат шоира қалбини олижаноб ва мардона ҳиссиётларга тўлдиради. Аёл қалби муъжизакорлик касб этади. Ишонч куч ва қудратга айланади. Ҳ. Олимжон улмаган, у билан бирга, севимли ёр, садоқатли дўст, излари йўқолмаган сафдош, яратишга чоғловчи устоз сифатида одим отмоқда:

Ҳижроинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёнимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.

Бугунга қадар шоира Ҳамид Олимжондан айри яшагани йўқ. «Куяман-у бўлмайман адо», «Совуш бермайди менга, Ёқиб кетганинг олов», — дейди у. Қалбларни покловчи, инсонийликни эъзозловчи, истиқлолимизни ёниқ нур билан бойитувчи БУЮК МУҲАББАТ тобора баландроқ ва кучлироқ ёнаверсин! Бу олов совушни билмасин!

Ҳотам УМУРОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Ёднома

ШИФО БЕРИБ, ШИФО ИСТАГАН ЮРАК

Унинг ишсиз, ташвишсиз пайтини кам кўришган. Қачон қарасанг нима биландир машғул: ё уй қураётган ё ошна-оғайнилари, қариндош-уруғлари тўй-маъракаларига бошқош бўлаётган ёки қайсидир танишини даволатиш учун Тошкентга, Москвага кетган бўларди. Синфдошлари ҳам уни тиниб-тинчимаган бола эди, деб эслашади. Ўқувчилик йилларида тенгдошларидан орқада қолмасликка интилар, бошини китобдан кўтармасди...

Исмоил Жабборнинг онаси Норжон хола ҳаётдан эрта кўз юмгани учунми, ошқозони тез-тез оғриб турганиданми, шифокор бўлишни кўнгилига тугиб қўйди. Аммо ТошМИга ҳужжат топширган биринчи йили унга омад кулиб боқмади. Шунга қарамай кейинги йил ҳам шу институтга ҳужжат топшириб, стоматология факультетига ўқишга кирди. У билан бирга ўқиган собиқ талабалардан сўрасангиз уни ҳамиша кулиб турадиган, бировнинг оғирини енгил қилишга иштиёқманд эди деб эслашади. Унинг ишчанлиги, ташаббускорлиги, айниқса, ўқишни битириб Қўшкўпир туманида тиш шифокори сифатида иш бошлаганида янада яққолроқ намоён бўлди. Туман умумий поликлиникасининг кичкинагина хонасида иш бошлаган Исмоил Жаббор бу ҳудудда тиш ва оғиз бўшлиғи касалликлари кўплиги, даволаш учун эса шароит камлиги туфайли раҳбарлардан алоҳида тиш поликлиникаси очиш учун руҳсат сўради. Ўша пайтдаги туман раҳбари Матчон Воисов ҳам, вилоят соғлиқни сақлаш мутасаддилари ҳам уни тўғри тушунишди.

Эскира бошлаган болалар боғчасининг биносини унга стоматология поликлиникаси очиш учун топшириб, ўзини бош шифокорликка тайинлашди. Бино ҳашар йўли билан таъмирланди. Аммо бу иморатнинг янги усулда, поликлиникага мослаб қурилмаганлиги Исмоил акани қаноатлантирмади. У энди замонавий стоматология поликлиникаси қуриш масаласини кун тартибига қўйишни раҳбарлардан илтимос қилди. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимайдиган замонлар эди. Агар қурувчиларга қўйиб берса, поликлиника қурилиши бир неча йилга чўзилиб кетиши ҳеч гап эмасди. Буни олдиндан ҳис этгани учунми ёки ўзининг жонҳалаклиги туфайлимикин, Исмоил ака ўзи фаол ҳаракатга киришиб кетди. Худди ўз ўғлига ёки қизига иморат қургандай, қурилиш тепасида туриб олди. Бу ишда ошна-оғайниларини ҳам, туман раҳбарларини ҳам тинчитмади. Қурувчиларнинг ош-овқатидан ҳам ўзи хабар олиб турди.

Тез орада икки қаватли, Хоразмда унча-мунча шаҳарларда учрамайдиган салобатли поликлиника биноси бунёд бўлди. Бош шифокор бу шифо масканини замонавий тиббий асбоблар билан таъминлашни ҳам, бу ерга малакали тиш дўхтирлари таклиф этишни ҳам унутмади. Исмоил Жабборнинг ғайрат-шижоатини кўрган туманнинг ўша пайтдаги раҳбари Раимбой оға бир куни маслаҳат оҳангида;

—Исмоилжон, ғайратингга қойилман, бу шижоат билан сен поликлиникани эмас, бирон бир колхоз ёки совхозни ҳам бошқаришинг мумкин, — деганди.

Исмоил ака эса ўзига хос табассум билан:

— Илтифотингиз учун раҳмат, ёшулли, аммо мен тиббиёт ходимиман, ҳар ким ўз ишини қилиши керак, — деб жавоб қайтарганди.

Бироқ Раимбой Тоировичнинг гапига фаришталар омин, деб турган эканми, икки-уч йил ўтмай И.Жабборов вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига чақирилиб, бутун Хоразмни тиббий ва нотиббий асбоб-анжомлар билан таъминлаш базасига бошлиқ қилиб тайинланди. Ўша ишчанлик бу ерда ҳам ўзини кўрсатди. Бир икки йил ўтмай Хоразм тиббиётчилари хизмат қиладиган база бинолари ўзгарди. Янги омборхоналар, маъмурий иморатлар қурилди. Шифохона, поликлиникаларнинг ашё ва жиҳозлари сон ва сифат жиҳатидан яхшиланди.

Аммо Исмоил Жабборнинг умри қисқа экан. 1993 йилнинг ёзида 47 ёшида юрак хуружидан вафот этди. Дунёнинг бири камлигини қарангки, ўзи ўнлаб беморларни даволаган, таниш-билиш, қариндош-уруғларни турли шаҳарларда даволатган инсон ўзини даволатишга вақт тополмабди. Умр бўйи бошқаларнинг ташвиши билан яшаб, ўз соғлиғининг ташвишини чекмабди, турмуш ташвишларининг ҳаммаси юрагига юк бўлаётганини ҳам ўйламабди. Аммо бугунги афсусларимиздан фойда кам, ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандалармиз.

Кечаги ғамини ўйласа обдон,
Букчайиб қоларди бугун одамзод,

— дейди Абдулла Орипов.

Шукурки, Исмоил Жаббордан хотира бўлиб у қурилишида бош-қош бўлган бинолар, яхши ўғил ва қизлари, қолаверса, унинг одамларга қилган яхшилиги қолди. Сўзимиз сўнгида туман ва вилоят раҳбарлари, жамоатчиликка айтадиган гапимиз бор: ўзининг қисқа умри давомида халққа сидқидилдан хизмат қилган оловқалб йигитнинг хотираси абадийлаштирилса, савоб иш бўларди.

Б. НОРБОЕВ,
Хоразм вилояти.

-- Жуда мазали экан.

БЕЛЛАШУВНИНГ ТУРИ КЎП

Дунёда қандай мусобақалар ўтказилмайди, дейсиз?. Баъзан санаб саноғига етолмайсан киши. Уларнинг бир — биридан ғаройиблигини айтмайсизми? Масалан, Германияда қизиқ анъанавий ўйин бор. У хонтахта остида ўтказилади. Унинг шарти қўйидагича: хонтахта остидаги майдон иккига бўлинади, икки рақиб икки томонда ётиб олганча, жимжилоқ бармоқлари билан бир-бирини тортишади. Ким рақибининг қўлини чизиқдан тортиб ўтса ўша ғолиб саналади. Ёки француз новвойларини олиб кўрайлик. Улар ҳам антиқа ўйин ўтказишиб туришади, яъни қўлларидаги патнисда торт кўтарганча маълум масофага югуриш. Ипгирокчи маррага биринчи бўлиб етиб келиш билан бирга тортнинг шаклини бузмасагина ғолиб ҳисобланади. Англиянинг Оли шаҳрида ҳам уй бекалари ўртасида шунга ўхшаш беллашув ўтказилади. Унда аёллар қўлларида това ушлаганча югуришади. Унинг шарти қўйидагича: бир қўлида това ушлаган бека югуриб кетаётиб иккинчи қўли билан товага пирог ташлайди. Ким тушириб юборса, ўша заҳоти ўйиндан чиқади.

Швейцарияда эса тўрт одамнинг калласига тенг келадиган тошни узоққа улоқтириш беллашуви мавжуд. Ҳозирча рекорд кўрсаткич 3 метрлик улкан тош бўлиб қолмоқда. 4 метрлигини ҳали ҳеч ким улоқтиролганича йўқ.

Вьетнамнинг соҳилга яқин ерида яшовчи аҳоли орасида узунлиги 2 метрга яқин ёғоч оёқда футбол ё волейбол ўйнаш анъанага айланган. Ёғоч оёқда юришни ўрганиш уларга, айниқса, балиқчиларга қўл келади. Чунки саёзликларда балиқ тутишда сув кечиб эмас, балки ёғоч оёқда тўр тортган маъқул.

Қурбақалар тортишуви ҳам кўп шов-шувларга сабаб бўлаётган кўнгилочар ўйинлардан. У Калифорнияда мунтазам ўтказиб келинади. Америқонинг ҳар бурчидан «қурбақашунослар» ўз қурбақалари билан келишади. Беллашувда нафақат қурбақалар, гоҳо унинг соҳиблари ҳам сакрашларига тўғри келади. Чунки бир хил ўжар қурбақалар сакрамай туриб олади. Шунда хўжайин сакрасагина у ҳам «сендан мен камми» дегандай ундан ўтказиб сакрайди.

Кейинги пайтларда олдинга қараб эмас, балки орқа томонга юриш, югуриш ва велосипедни ҳам тескари миниш ҳақидаги хабарлар тез-тез қулоққа чалиниб турибди. Ҳақиқатан ҳам Нью-Йоркда «Орқага югурувчилар» клуби фаолият кўрсатади. Улар бир мил масофага югуриш мусобақаси ўтказишади. Белградда эса велосипедни тескари минган ҳолда ҳайдаш беллашуви мавжуд. Сўнгги мусобақада М. Дмитриевич деган зот велосипедни тескари бошқарган ҳолда 113,3 километр масофани босиб утиб, биринчиликни қўлга киритган. Бунинг учун роппа-роса 6 соату 45 дақиқа вақт кетган.

Албатта, юқорида санаб ўтилган мусобақалар спорт федерациялари томонидан расмий ўтказилмайди. Лекин уларнинг оммавийлиги баъзи расмий спорт турларидан кам эмас.

Лўқма

ЙЎЛ ЁҚАСИ «ТОМОША»

Кундузи электр поездида Тошкент-Ховос ёки Бекобод томон йўл олганмисиз? Вагон ойнасидан ташқари манзарани кузатиш ишқибози бўлсангиз, ёқимсиз томошани кўргандирсиз. Тошкент бош темир йўл вокзалидан чиқишингиз биланоқ ахлат уюмлари кўзга ташланади. Шимолий ва Жанубий вокзаллар оралиғи, кейин аҳоли яшаш жойлари, буёғи Янгийўл, Пахта, Олмазор, Чиноз дейсизми, дарёдан ўтганингиздан сўнг Сирдарё, Бахт, Гулистон, Боёвут томонларга чўзилган ахлат уюмлари-ю гўнг хирмонларини кўриб дилингиз хира бўлади.

Хўш, бундай ахлат-у чиқинди уюмларини ташлайверишнинг охири нима бўлади? Наҳотки, йўл ёқаларига дарахтлар экиш, гулзорлар қилиш, ариқларга сувлар оқизиб қўйиш каби азалий қадриятларни унутсак? Автомобиль йўл ёқаларида ҳам ахлатхоналар пайдо бўлмоқда-я.

Мустақиллик туфайли юртимизда келди-кетди кўпайиб бормоқда, дунёнинг турли жойларидан меҳмонлар кутмоқдамиз. Улар йўлларимиз бўйларига нигоҳ ташламай ўтадилар, деб ким кафолат беради? Бу аҳволда тозалик, ободончилик ошуфтаси бўлган халқимизнинг саранжом-сариштa деган мақомига путур етади-ку. Рости, «Поклигинг — соғлигинг» деган нақлга амал қилсак дуруст бўларди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АҲОЛИ, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ўзбекистон почтаси" концернининг республика матбуот тарқатиш маркази қўйидаги нашрларга 1995 йилнинг иккинчи ярмига обуна очилганлигини маълум қилади.

Республика нашрларидан:
"Оила ва жамият",
"Бизнес-Вестник Востока"
Россия Федерацияси нашрларидан:
"Аргументы и факты",
"Медицинская газета",
"Рабочая трибуна", "Труд",
"Экономика и жизнь".
Европада бўлса, ушбу нашрларга шу йилнинг фақат биринчи ярмига обуна қабул қилинган эди. Обунани барча алоқа бўлимларида ва обуна қабул қилиш пунктларида расмийлаштиришингиз мумкин.

Қўшимча маълумотларни 33-67-98, 34-83-87, 33-60-78 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик илмий-техника жамияти қошидаги «АРО» фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОМБОРДАН ҚЎЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

— ҳажми 145х145 см. бўлган япон рўмоллари;
— "Tiantian" сигнализацияли дипломатлар;
— "Italian style" эркаклар ва аёллар туфлилари;
— ипак газмоллар (эни — 110 см. Покистон).

Тўлов тури — пул ўтказиш йўли билан.

Мурожаат учун телефонлар: (3712) 68-07-11, 33-48-97.

Спорт

• Бокс

АРТУРНИНГ ОЛТИН КАМАРИ

• МАМЛАКАТИМИЗ спорт ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Таниқли чарм қўлқоп устаси Артур Григорян Ўзбекистон бокси тарихида янги саҳифа очди.

У профессионал боксчилар учун мўлжалланган «Қитъаларо олтин камар» соврини учун рингга чиқди. Артурнинг рақиби халқаро бокс уюшмасининг мазкур совринини икки бор қўлга киритган итальян Хулио Монтелла эди. Маълумки, соврин учун курашнинг низомига кўра уч марта ғалабага эришган боксчи «Олтин камар»нинг мутлақ эгаси бўлади. Хулио эса икки бор зафар қучган бўлиб, соврин соҳиби бўлишга астойдил тайёрланганди. Бироқ, омад Артурга кулиб боқди. 12 раундли баҳснинг саккизинчисига борганда Хулионинг жангни давом эттира олмаслиги маълум бўлди. Шундай қилиб, Артур Григорян биринчи марта «Қитъалараро олтин камар» соврини билан Тошкентга қайтди. Энди у яна уч ойдан кейин иккинчи бор жанг қилиб, пировардида совринни юртимизда қолдириш учун курашмоқчи.

• Кураш

ОЛИМПИАДАЧИЛАР КЎРИГИ

• Германиянинг Кубленц шаҳрида курашнинг грек-румо тури бўйича «Катта соврин» учун анъанавий мусобақа бўлиб ўтди.

Таниқли курашчи Комил Фатқулиннинг шогирдлари булажак олимпиада ўйинларида иштирок этадиган мамлакат терма жамоасига муносиб номзод эканликларини намойиш этишга ҳаракат қилмоқдалар. Албатта ўтган йилги ўтказилган мусобақада полвонларимиз юқори натижаларга эришиб, кўпроқ медаллар билан қайтишган эди. Бу сафарги синов жиддий бўлди. Сабаб мусобақада жаҳоннинг 28 мамлакатидан вакиллар келди. Лекин спортчиларимиз бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Хусусан, Баҳодир Қурбонов ўтган йили олтин медаль олган бўлса, бу сафар бронза медали билан қаноатланди. Дмитрий Коршунов эса россиялик С. Гурокосянни ютиб, майдон эгаси Ф. Юлдуз, япон Ҳ. Кадо, турк Б. Оздемирларга имкониятларни бой бериб, швециялик Ф. Бесаратидан устун келди. Оқибатда Дмитрий 5 ўринни эгаллади. Яна бир вакилимиз Навруз Усмонов ҳам бешинчи ўринли бўлди. Григорий Пуляев билан Руслан Биктяковлар ҳам астойдил беллашишга ҳаракат қилдилар. Лекин Русланнинг омади чопмай, томошабинлар қаторидан жой олишга мажбур бўлди. Григорий эса кучли ўнлик сафига киритилди. Бу мусобақа полвонларимизнинг АҚШда ўтказиладиган олимпиада ўйинларига тайёргарликни тобига етказиш йўлида астойдил ҳаракат қилишаётганидан нишонадир.

• Енгил атлетика

ЎҒЛОНЛАР ЮГУРГАНДА

• Мухлислар Самарқандда мураккаб баҳсларга бой мусобақанинг гувоҳи бўлишди. Бу ерда армиячиларнинг Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Йигитлик бурчларини адо этаётган Ватан ўғлонлари спортнинг мазкур тури бўйича мусобақада чаққонлик ва тезкорликда ўзларини кўрсатишга интилдилар. Айниқса, югуриш мусобақалари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Мамлакатимиз турли ҳарбий қисмларидан тўпланган армиячилар аввал юз метрга югурдилар. Маълумки, бу масофада шиддат кўрсатмаган имконияти бой беради. Бу борада М. Ерошенковга бас келадиган спортчи топилмади. Мусобақада И. Бобомуродовнинг ҳам омади келди. Толмас иродали бу йигит ўз имкониятларини расамади билан сарфлашни ўрнига қўйиб, аввал 400 метрли масофада, кейин 1 километрга югуришда марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Олисга югуриш ҳадисини олган В. Андреев ғолиблик супасига кўтарилди. Мусобақалар гуруҳларга бўлиниб ташкил этилган эди. Биринчи гуруҳ бўйича Самарқанд, Тошкент ва чирчиқлик армиячиларнинг жамоалари совринли ўринларни эгаллашди. Иккинчи гуруҳга киритилган жамоалар ўртасида Жиззах, Андижон ва нукуслик армиячилар фахрли ўринларни олишди.

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Ўзбекистон журналистикаси оғир жудоликка учради. Шафқатсиз ўлим таниқли журналист Хайриддин Назировни бевақт қрамиздан олиб кетди. У 64 баҳорни қаршилаганди. Х. Назиров Тошкент вилоятининг Паркент қишлоғида дунёга келди. 1956 йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлагач, «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига ишга келди. Унинг бундан буёнги бутун ҳаёти республика журналистикаси билан боғлиқ бўлди.

Хайриддин Назиров узоқ йиллар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида аввал масъул котиб, сўнгра эса бошқарув раисининг биринчи муовини лавозимларида ишлади. Шу йиллар ичида унинг ташкилотчилик қобилияти айниқса яққол намоён бўлди. Республика Давлат матбуот қўмитасида нашриётлар ва китоб савдоси бошқармасининг бошлиғи сифатида нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш борасида кўпгина тадбирларни амалга оширди. Умрининг охирги йиллари Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи Жамғармада меҳнат қилди. Хайриддин Назировнинг республика матбуотини ривожлантириш борасидаги меҳнатлари инобатга олиниб, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилган эди. Кўпгина ҳукумат мукофотлари билан ҳам тақдирланганди.

Дўстимизнинг ёрқин хотираси унинг ҳамкасблари қалбида абадий сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқуми ва Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги фракцияси Андижон вилояти Избоскан тумани фахрийлар ташкилотлари кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати

Усмон МАНСУРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ҳамда марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига самимий ҳамдардлик билдирадилар.

О. С. Содиқов номидаги биоорганик кимё институти жамоаси институтнинг етакчи илмий ходими, кимё фанлари доктори Акбар Каримжоновга рафиқаси

Орифа ГУЛМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
• Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0144, 45220 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.* *1 2 3 4 5 6.*